1741 йилда Тошкентда бўлган татар савдогари Шубай Арслоновнинг маълумотларидан: «Тошкент шахри калин пахса девор ва зовур билан ўраб олинган. Шахар катталиги жихатидан Козонга тенг келади. Унинг ўн икки дарвозаси бор. Бу ерда иморатлар тартибсиз холда, пахса девор билан курилган. Шахарда боглар ва масжидлар кўп. Катта масжидларда хайит кунлари кўпчилик бўлиб намоз ўкилади. Дарвозалар олдида алохида хонада миршаб туради. Уларда тўп йўк, узокка отадиган милтик бор, холос. Бундай милтиклар Тошкентда ясалади.
Бу вактларда Хондайлик, Хўжакент, Паркент, Заркент, Нушния, Номданак, Корамурт, Чимкент ва Сайрам Тошкентга карашли эди. Шахарни ўн кишидан иборат Кенгаш бошкарган. Хукумат кароргохи Кўкча дарвозаси ёнидаги калъада иш юритади. Тошкент Бухоро, Самарканд ва ўлкадаги бошка шахарлардан ташкари Кашкар, Хитой, Хиндистон, Афгонистон, Русия ва бошка жойлар билан савдо килади. Тошкентдан Туркистонгача бўлган йўлни юк карвони олти кунда босиб ўтган, Иргиз дарёсидан Уфагача уч кун, Бухорогача ўн кун, Балхгача йигирма уч кун, Бадахшонгача ўн беш кун юрилган».

(Хамид Зиёев, «Тарих ўтмиш ва келажак кўзгуси», Тошкент, Гафур Гулом нашриёти, 2000 йил, 63-64-бетлар)